

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston  
Respublikasi  
ijtimoiy-iqtisodiy  
gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

№117 (6.642). Sotuvda erkin narxda

## МАЛАЙЗИЯ ҚИРОЛИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Малайзия Қироли Янг Ди-Пертуан Агонг XII Туанку Сайед Сиражуддин Сайед Путра Жамалуллайл зоти олийлари 7 сентябр куни давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди.

Конституциявий монархия ҳисобланган Малайзия Федерал давлат бўлиб, 13 штатдан иборат. Уларнинг тўққизтасида ҳокимият ворислари ҳукмдор, тўрттаси губернаторлар томонидан бошқарилади. Ворис ҳукмдорлар 5 йил муддатга Янг Ди-Пертуан - олий ҳукмдорни сайлайди. 2001 йилнинг декабрида бу юксак лавозимга Перлис ҳукмдори Туанку Сайед Сиражуддин Жамалуллайл сайланган.

Конституцияга биноан, Янг Ди-Пертуан ҳукумат ва парламент тавсияларига таянган ҳолда давлатни бошқаради. Ҳукумат қарорлари Қирол томонидан тасдиқланиши лозим. Олий бош қўмондон ҳисобланадиган Янг Ди-Пертуан парламент қабул қилган қонунлар, Бош вазир номзоди ва Федерал (Олий) суд таркибини тасдиқлайди.

8 сентябр куни Дўрмон қорғоғида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Қирол шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Малайзия Қироли Туанку Сайед Сиражуддин Жамалуллайл шохсупага кўтарилди. Давлат мадҳиялари янгради. Ўзбекистон ва Малайзия раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдириди.

Ислом Каримов ва Туанку Сайед Сиражуддин Жамалуллайлнинг яқма-яқма суҳбатида икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, шунингдек, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик, хавфсизлик ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилди.

Малайзия Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб Ўзбекистон мустақиллигини тан олган. 1992 йилнинг июнида Президент Ислом Каримов расмий ташрифи билан ўша мамлакатга борганидаёқ икки томонлама алоқаларни мувофиқлаштирувчи муҳим ҳужжатлар қабул қилинган эди. 1993 йилнинг апрелида Бош вазир Махтўр Муҳаммад Ўзбекистонга келди ва ташрифи чоғида муносабатларнинг ҳуқуқий асоси янада бойиди. Мустахкам ҳуқуқий пойдевор ҳукумат делегацияларининг ўзаро ташрифлари амалга ошириш,



вазирлик ва муассасалар, ишбилармон ва илмий доираларнинг мулоқотларини ривожлантиришга имкон яратди.

Айни пайтда Ўзбекистон Малайзия муносабатлари ҳар жаҳада жадал ривожланмоқда. Орадаги масофа нисбатан катта бўлишига қарамай, икки мамлакат савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва товар айирбошлаш ҳажмини оширишга интилиб келмоқда. Айни пайтда Ўзбекистонда Малайзия сармоядорлари иштирокида тузилган 18 қўшма корхона фаолият юритмоқда. Айниқса «Hotel Uzbekistan», «Uzmacom», «Uzbekleasing international» каби корхоналар номи юртдошларимизга яхши таниш. Маданият, илм-фан ва таъ-

лим соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам катта суръат билан ривож топмоқда. 1998 йили «Ўзбекистон-Малайзия» дўстлик жамияти тузилган. Икки мамлакат академиялари, олий ўқув юрталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар имзоланган. Малайзиялик санъаткорлар «Шарк тароналари» халқаро мусика фестивалининг доимий иштирокчиларидир.

Айни пайтда мамлакатларимизда савдо-иқтисодий ва сиёсий йўналишларда, маданият, илм-фан ва таълим соҳаларида ҳамкорликни янада ривожлантириш учун имкониятлар кўп.

Малайзия «Осиё йўлбарслари» номини олган давлатлар қаторига киради. У Япониянинг катта суръатли иқтисодий

ўсиш моделига таяниш, хорижий технология ва сармоя жалб этиш, саноати ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасини ўзлаштириш, импорт ўрнини қоплаш ва экспорт салоҳиятини ошириш, ижтимоий-сиёсий барқарорлик туфайли иқтисодийни замонавийлаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантиришда катта муваффақиятларни қўлга киритган. Утган асрнинг 90-йиллари ўрталарида Малайзия макроиқтисодий кўрсаткичлар буйича ривожланган давлатлар орасида илғорлар сафидан жой олиб, айрим ривожланган давлатларга тенглашиб олди. 1997 йили Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида рўй берган иқтисодий инқироз Малайзия

ўсишига ҳам салбий таъсир кўрсатган бўлса-да, мамлакатнинг асосий қисми электроника ва электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан иборат бу соҳага ялли ички маҳсулотнинг 30,1 фоизи тўғри келади. Кимё, озиқ-овқат саноати, металлургия қайта ишлаш, транспорт жихозлари ишлаб чиқариш соҳалари ҳам тараққий этган. Мамлакатда «Протон», «Перода» ва «Хайком» деб аталувчи учта миллий автомобиль соҳаси бор.

Сиёсий соҳада томонларнинг кўпгина халқаро муаммоларга муносабатлари ўхшашлигини айтиш ўринлидир. Икки давлат халқаро ташкилотлар доирасида баҳамжиҳат ҳаракат қилиб, бир-бирининг ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келади. Айни пайтда Малайзия Қўшилмаслик ҳаракати раҳбарлик қилмоқда. Келаси ойдан эса Ислом конференцияси ташкилотига раислиқни ҳам қабул қилиб олади.

Буларнинг барчаси мамлакатларимиз ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқиш учун имкониятлар етарли эканлигини далиллади. Ислом Каримов Дўрмондаги мулоқот чоғида Ўзбекистон Малайзия билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришдан манфаатдорлигини таъкидлар экан, Қиролнинг ташрифи бунинг учун янги имкониятлар очақига ишонч билдирди.

Малайзия Қироли Туанку Сайед Сиражуддин Жамалуллайл шу куни Темирийлар тарихий давлат музейида бўлиб, Соҳибқирон Амир Темир у ва унинг авлодлари ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатларни кўздан кечирди. Музейнинг фахрий меҳмонлар китобидаги дил сўзларини ёзиб қолдирди.

Олий мартабали меҳмон Ўзбекистон мусулмонлари идорасида ва Тошкент Ислом университетида учрашувлар ўтказди.

Малайзия Қиролининг Ўзбекистонга ташрифи давом этмоқда.

Анвар БОБОЕВ,  
ЎЗА мухбири.

СУРАТДА: ташрифи пайти.  
Д.ЮСУПОВ (ЎЗА) олган сурат.

## БУГУНГИ СОНДА

МИЛЛИОНЕР  
ФЕРМЕР КЎП,  
АММО...



ЁШЛАР НЕГА ШАҲАРДА  
ҚОЛМОҚДА?

СОЙИБ АКА  
УЧУН ЁЗИЛГАН  
ПЬЕСА

(1-2-саҳифаларда)

(1-2-3- саҳифаларда)

(1-4-саҳифаларда)

## Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2003 йил 29 август куни Ироқнинг Ан-Нажаф шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракати муносабати билан берган БАЁНОТИ

Ўзбекистон шу йилнинг 29 августида Ироқнинг Ан-Нажаф шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатини қатъий қоралайди. Бегунсо одамларнинг ўлими бизнинг газабимизни кўзага, қайғуга солди, халқ бўлганлар ва жабр қўрганларнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур ҳамдардлик билдираемиз.

Ҳоҳ миллий, ҳоҳ диний ёки сиёсий бўлсин, ҳеч бир гоя ёки мақсад гайриминсоний хатти-ҳаракатларни оқлай олмайди, бундай хатти-ҳаракатларнинг барчаси терроризмдан бошқа нарса эмас.

Бу фожеа осойишта, демократик ва фаровон давлат қуришга бел боғлаган Ироқ халқининг қатъиятини синдира олмайди, деб ишонч билдираемиз.

Тошкент шаҳри  
2003 йил 5 сентябр

## МИЛЛИЙ ВАЛЮТАМИЗ БАРҚАРОРЛИГИНИ КЎЗЛАБ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 10 сентябрдан бошлаб қайта молиялаш ставкасини йиллик ҳисобда 24 фоиз даражасидан 20 фоиз даражасигача туширди. Бу хабарни шарҳлаб беришни Марказий банк раисининг ўринбосари Равшан ҒУЛОМОВдан илтимос қилдик:

«Жорий йилда Марказий банк қатъий пул-кредит сиёсатини амалга ошириш, миллий валюта барқарорлигини таъминлаш мақсадида пул-кредит сиёсатини қатъийлаштириш бўйича бир қатор чора-тадбирларни амалга оширди. Шунинг билан Давлат бюджетни тақчиллигини молиялаштириш учун кредитлар берилишининг тўхтатилиши, пул агрегатлари устидан самарали назоратнинг ўрнатилиши, мажбурий захира нормаларини тартибга солиш билан бир қаторда, Марказий банк пул-кредит сиёсатининг билвосита инструментларидан фойдаланишни сезиларли даражада кенгайтирди ва ўзгарувчан фойз ставкаларини қўллашни бошлади.

Қайта молиялаш ставкаси Марказий банкнинг асосий фойз кўрсаткичи ҳисобланиб, банклараро пул бозорида Марказий банкнинг тижорат банклари билан операцияларни амалга оширишда қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йилнинг 10 сентябридан бошлаб қайта молиялаш ставкасини йиллик ҳисобда 20 фоиз даражасида белгилади. Шу билан қайта молиялаш ставкаси жорий йилнинг 16 июлидан белгиланган йиллик ҳисобдаги 24 фоиздан 4 фоизга камайдди.

Макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий ўзгариши ва жорий йилда инфляция даражасининг сезиларли даражада пасайиши қайта молиялаш ставкасини босқичма-босқич камайтириб бориш имконини берди (йил бошида Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси йиллик ҳисобда 30 фоиз даражасида эди). Истеъмол баҳолари индекси бўйича 2002 йилнинг январь-август ойларидagi инфляция 14,1 фоиз даражасида қузатилган бўлса, жорий йилнинг ушбу даврида 0,7 фоиз даражасида дефляция, яъни нархларнинг пасайиши қузатилди.

Инфляция даражасининг тушиши ва Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг пасайтирилиши миллий валютани барқарорлиги янада ошиб бораётганидан далolat беради.

Марказий банк қайта молиялаш ставкасини ўрнатишда утган даврдаги инфляция даражасидан ташқари, келгусида қутилаётган инфляцияни ҳам ҳисобга олади. Марказий банкнинг қатъий пул-кредит сиёсатини юритиши давом эттириши, келгусида инфляция даражасини назорат қилиш ва унинг янада тушишини таъминлаш имконини беради.

Қайта молиялаш ставкаси инфляция даражасидан юқорироқ даражада белгиланиши депозит ва кредит фойз ставкаларининг ижобий даражада бўлишини ҳамда пул бозорининг барқарорлигини таъминлайди.

Бундан ташқари, қайта молиялаш ставкаси иқтисодийдаги фойз ставкаларининг индикатори бўлиб хизмат қилади. Амалдаги қонунчиликка асосан тижорат банклари жалб қилинган депозитлар ва берилаётган кредитлар бўйича фойз ставкасини ўзлари мустакил равишда белгилашлари қарамай, қайта молиялаш ставкасининг пасайиши иқтисодийда фойз ставкаларининг тушишига, хусусан, хўжалик субъектларининг, жумладан тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини тижорат банкларида узоқ муддатли кредитлар олишига замин яратди.

## ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАП

Гибҳандлик ва гибҳанд вазирлар савдоси инсоният ҳаёти учун қанчалик муҳим ҳавф-хатар эканлиги ортиқча изоҳга муҳтож эмас. Бироқ айрим замондошларимиз кўра-била туриб жаҳолатга юз тутаётгани, бир мисол афюн учун ҳаётини барбод этаятгани ёхуд оғуфуршудликдан келадиган ҳаром даромд эвазига минглаб кишилар умрига зомин бўлаётгани...

## БИР МИСҚОЛ ОГУ, БЕШ ЙИЛ ҚАМОҚ

ни кўриб ташвишга тушасиз. Суд залида яна бир адашган банд устидан ҳукм ўқилди. Жиноят ишлари бўйича Ургут туман судида Бекбўта Бобожонов раислигида ўтган суд мажлисида Ургут шаҳрида яшовчи, тўрт нафар гулдай фарзанди, маҳалла-қўй орасида ўзига яраша обрў-эътибори бўлган фуқаро А.Саидмуродов беш йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Сабаб...

(Давоми 2-бетда)

## “ТОШБОЛТА ОШИҚ”НИ ЭСЛАБ...

Инсон изи... Ҳар гал шу ҳақда ўйласам одамлар қадр-қиммати кўз олдимга келади. Бу одат дунёни англашга ўргатган ота-онам вафотидан кейин пайдо бўлгандир.

Қалбим изтиробларини енгилуш учун бир гурӯҳ фан, маданият ва санъат соҳаси намоёндаларининг бебаҳо хизматларини эслаш, хотирасини ёд олиш мақсадида пойтахтимизнинг Форобий кўчасидаги қабристонга борган эдим. Не кўз билан кўрайки, дўппайиб турган тупроқдан бўлак ҳеч нарса, ҳатто лавҳалар ҳам йўқ... Ўзбек миллий кино ва театр актёрлари Ҳамза Умаров, Шукӯр Бурҳонов ва Соиб Ҳўжаев қабрлари қаровисиз ҳолатда... Шу орада “Тошкент оқшони” газетаси саҳифаларида “Санъатини хотирлаймиз, ўзларини-ЭХТИРОМ” номли мақола ёритилди... Ниҳоят, Ўзбекистон Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Театр арбоблари уюشمаси Мамаидат ўзбек санъати даргалари қабрлари тикланди. Тошкент ва улар тугилиб воғва этган туман ва шаҳарларда номлари абадийлаштирилди.

Ўзбекистон халқ артисти Соиб Ҳўжаев Мулладўст (Ҳамза, “Майсаранинг иши”), Тошболта (Ҳамид Фулом, “Тошболта ошиқ”), Вақил қасоб (М.Левиев, “Ажаб савдолар”) ва бошқа образларни моҳирлик билан ижро этганини яхши биламиз. Ўзбекистон Мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан Юртбошимиз томонидан “Ўзбекистон фани ва маданиятининг ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум фан, адабиёт ва санъат арбобларини муқофотлаш тўғрисида”ги Фармонида Ўзбекистон халқ артисти Соиб Ҳўжаевнинг номи зикр этилганидан чексиз гурӯрландик.

Шу муқофот боис С.Ҳўжаев ҳақида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Фулом ва санъаткорнинг умир йўлдоши Файзихон ая Мўминова дил сўзлари билан ўртоқлашдик.

(Давоми 4-бетда)

## ҚИШЛОҚНИНГНИ СОҒИНМАДИНГМИ?

Нуфузли бир анжуманда қизиқ маълумотга дуч келдик. Сирдарё вилояти оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган журналистлар 190 нафар бўлиб, уларнинг ўртача ёши 45-60 ёш оралигида экан.

–Галнинг лўндасини айтганда, вилоятда журналист кадрларнинг қариш жараёни қузатилганда,–дейилди ўшанда.

Ҳаётнинг қариш жараёни қузатилганда,–дейилди ўшанда. Ҳаётнинг қариш жараёни қузатилганда,–дейилди ўшанда. Ҳаётнинг қариш жараёни қузатилганда,–дейилди ўшанда. Ҳаётнинг қариш жараёни қузатилганда,–дейилди ўшанда.

## МАВЗУ

Назаримда, нафақат журналистика соҳасида, балки бошқа мутахассисликлар бўйича ҳам юртимизнинг чекка нуқталаридан келган бўлса-да, олий ўқув даргоҳларида таълим олаётган ёшларимиз орасида шаҳарда ишлаб, яшаб қолишга бел боғланганлари кўпчиликини ташкил қилади. Аникроғи, қишлоқлардан ўқишга отланган ёшлар кўп-у, бағрикенг қишлоқларда эса ҳар бир соҳада олий маълумотли, савяси баланд ёш кадрлар танқислиги ошиб бораётгандек...

Ҳўш, бунга сабаб нима?  
Бу саволга жавобан даставвал журналистик тадқиқот ўтказишни маъқул топдик.

(Давоми 2-3 бетларда)

## ИКЛИМ

Сунбуланнинг бошланганига ҳам икки ҳафтадан ошди. Қарангки, кўёшнинг тафти сира пасайиб қолди. Кун иссиқ, худди ёздагидек. Кўстюм кийишга андак борга ўхшайди...

Кун кеча осмонда қора булут пайдо бўлди. Кўпчиликининг ҳавлида: “Ана, энди ёмғир ёғади. Кун бироз бўлса ҳам ховуридан тушади”, деган ўй ўтган бўлса ажабмас. Бироқ шу куни бир томчи ҳам

## “СУНБУЛАЖОН, СУНБУЛА...”

ёмғир ёғамади. Негач?  
–Хавотирга ўрин йўқ, – дейди республика гидрометеорология маркази бошлиғи Фотима Қосимова. – Одатда сентябр ойида об-ҳаво нисбатан иссиқ ва қуруқ келади. Ёгингарчилик микдори ҳам кам бўлади.

(Давоми 3-бетда)

## БОҒНИНГ “КЎЗ” ЁШЛАРИ

Боғ ҳақида ёзиш кўпинча завқли. Қип-қизил олма-лар, новотдай узумлар, асалдай ўриклар... Ҳаммаси ширин. Боғларни кезгандаги роҳат-чи? Айниқса, 5-6 гектар боғингиздан узум сотиб, 10-12 миллион сўм пулни шарақлатиб санаб олиш-чи?!

Аммо, боғларнинг хамиша ҳам кўза қўриनावермайдиган томонлари бор. Гоҳо боғбоннинг кўзидан шовуллаб ёш келади. Дардини айтишга одам излайди. Гоҳида боғда юрган кишининг юраги боғ эмас. Боғида бой нозу неъмат-у, кўнглида қашоқлик...

Жарқўрғон туманидаги “Сурхон” фермер хўжаликлари уюشمаси. Азалдан машҳур гўша. У тўла фермер хўжаликларига айлантирилган. Ҳар нечук ишлари ёмон эмас. Бироқ одамни ўйга толдирадиган ҳоллар ҳам анчагина.

Уюшма ҳудудида 520 гектар боғ мавжуд. Бари фермерлар қўлида. Утган йили 17000 тонна узум олинди. Бу йил 1 тонна ҳам узум йўқ. Тасаввур қилинг, 2002 йилда 5 миллион сўм пулни санаб олиб, бойга айланган фермер, бу йил бир бош узумга интиқ. Пулни-ку, қўяверинг, ҳаракатларнинг ошганига нима дейсиз?! 2002 йилнинг 2-10 декабр кунлари Сурхондарёда шундай совуқ бўлдики, 90 ёшли кексалар ҳам хайрон қолишди. Ҳаво-18 –28 даражага тушиб кетди. Ер қатрон музлади. Бир ҳафта олдин ҳам ҳаво +20 +25 даража исиб турганди. Уша совуқ боис минг-минглаб гектар ерлардаги боғларни совуқ уриб кетди.

“Сурхон”ликлар ҳам чорасиз қолишди. Аввалига кўплар ишонимиди. “Сурхондарёда боғни совуқ урмайди”, деганлар ҳам бўлди. Лекин минг афсуски, дахшатли совуқ ўз ишини қилган эди. Тўғриси айтиш керак, боғларга ўғай кўз билан қараш давом этиб келаётир.

## МУНОСАБАТ

ган фермер, бу йил бир бош узумга интиқ. Пулни-ку, қўяверинг, ҳаракатларнинг ошганига нима дейсиз?! 2002 йилнинг 2-10 декабр кунлари Сурхондарёда шундай совуқ бўлдики, 90 ёшли кексалар ҳам хайрон қолишди. Ҳаво-18 –28 даражага тушиб кетди. Ер қатрон музлади. Бир ҳафта олдин ҳам ҳаво +20 +25 даража исиб турганди. Уша совуқ боис минг-минглаб гектар ерлардаги боғларни совуқ уриб кетди.

(Давоми 2-бетда)

## КЕЛГУСИ СОНДА:

ЭРГАШ ПАЛАК

## “МОНТЕ КАРЛО” МАЛИКАСИ

ЕРНИНГ ЭҒАСИ КИМ?



ОТИЛГАН ОТ

Бу ҳақда Жовли ака гурунг бердилар. Иқтисод фанлари доктори, Тошкентда олиғгоҳда дарс берадилар. Ун олти ёшдаимдим... Хўжаликда отлар бор эди. Шеробод даштларида юрарди. Кўккам зўр. Ут яхши. Отлар семиз. Отамнинг олдида от боқишаман. Бир йили учта рахбар келди. Шляпалари бор. УАЗИҚда. Катта бир от семиз, жуда чиройли. Тойи ҳам бор. Шунини "гузвойи"га ортишди. Бечора ювош экан. Е ҳеч нарсани билмадимми? Отамдан сўрасам: "Гўшт план тўймай қопти. Гўшта олишаяпти", деди.

«ЎПСА НИМА БЎПТИ?»

Ангорда бир гурунг эшитдим. Кекса ўқитувчи айтиб берди. -Култой ака мактабда директор. Кам гапирдилар. Аммо хар сўз нишонга тегади. Оғир, салобатли инсон. Муяссар йиғлаб мактабдан кетиб қопти. Нега? Не хол рўй берди? 8-синфнинг энг ақли кизи. Дабдурустан-а?! Директор сабабини суриштирди. Уо ажаб! Мана, даҳшат! Уроқ деган йигит. У-ям шу синфда ўқийди. Қизларни ўладиган одат чиқарибди. Бир киз тарсаки туширса, бир қиз қаргаркан... Уроқ эса айнигандан айниверибди. Юғриб келиб Муяссарнинг юзидан ўнганди чаиди олмабди. Йиғлаб-йиғлаб уйга кетибди.

Култой ака Уроқни хонасига чакирибди. У жим. Кўзида олов. Хар нечүк отаси "балад"да ишлайди. -Сизга жавоб. Дарсга кирмайсиз. Отангизни ёки онангизни айтиб келинг.

«ҚАЕРИГА КУЛИШ КЕРАК?»

Тахририятдан 1 апрел - кўнги ва ҳазил кўни учун қизиларни бир лаҳзани ёзиб келиш топширилди. Кулгилли воқеалар хар дақиқада бўлаверса эканки, шатирилатиб ёзиб ташласанг. Тўри, баъзан айрим ҳолатлар ҳам ўз бериб туради, аммо буларнинг ҳеч қайсиси газетда чиқарилуқ эмас-да... Уйлаб-уйлаб бошим қотди. Охири Фахриддин акадан маслаҳат сўрадим. -Сен, яхшиси Бахтиёр ака билан сўхбатлашгин, хар қалай фотомубир, кўрмаган, бормаган жойи қолмаган, биронта кулгилли воқеани айтиб берар... - дея маслаҳат солди у киши. - Ие, Хизрни йўқласак ҳам бўларкан, ана, ўзлариям кеп қолдилар...

(Боши 1-бетда) Яхшиям, боғлар ихарага берилди ёки хўсуийлаштирилди. Боғлар эгасини топайти. Айни пайтда боғнинг сирини кўп. Битта хол: сугурта қилдингиз. Комиссия келди. Дарахт шигил тугиб турибди. Кўм-кўк! "Совуқ урмабди", деб кетди сугуртаси. Далолатномалар тузилди, имзолар чекилади. Лекин бир ой ўтиб, дарахт ўтда ёнгандай қуриб, ўтин бўлиб қолади. Юзлаб, минглаб дарахтлар шундай бўлди. Олимлар айтишича, сентябр-октябр ойларига бориб ҳам қуриб, ўтинга айланиши мўкин экан. Уша совуқнинг оқибати!

"Сурхон"да қанча фермер сугурта муаммосига дуч келган. Айримлари сугурта ташкилоти билан сугурта шартномаси тўзмаган. "У ўзи нимага қаранд?", деб сугуртага нописанд қараган. Баъзилари сугурта нималигини тушунишмаган. Чўнки кўпларининг катта бобоси ҳам бунақа совуқни кўрмаган-да. Энди 20 га яқин фермер бутун боғни совуқ урган, сугуртадан эса бир сўм ҳам пул ололмайдиган бўлиб туришибди.

Ушума иқтисодчиси Йўлбарсон Ақобов билан бориб, боғларни кўрдик. Узумзорларни 100 фоиз совуқ урган. 15-20 йиллик тоқлар кундага айланган. Яхшиям, жуда кўплари ерга яқин жойидан ўсиб чиқиб, ўсимталар чиқарган, шохлаган. Баъзи тулпар эса мўлақат қуртлар чиқармаган. Улиқка айланган. Хайрон қолганим, барг чиқармаган тоқ таналари кунда кўз ёшга ўхшаб сув сизиб турибди. Жим йиғлаётгандай. Куртасиз, новдасиз, бағсиз... фақат кўз ёшлари бор.

"Бури бобо" фермер хўжалигининг ўтинга айланган олчазорини кўрдим. Ердан бир қарич баландликдаги кундалар қолган. Янги ниҳол экилмаган. Оралик экин ҳам йўқ. Фермерга ҳам осон эмас. Қундақов қилиш қичим-харажат. Қўнат топиш - харажат. Хосил эса совуқда кетди. Булар бу йилги тавишми. Айни пайтда сўралдиб келаятган азобларни кўрсангиз. "Матлуба" фермер хўжалиги, "Ақимов Ким Кўрганович" фермер хўжалиги, "Мингчино" фермер хўжаликлари Денов винзаводи"га 2002 йил узум топши-

ришди. "Хамон маҳсулот ҳақини олишолмайди. Мошининг моқисиди бориб-келишдан натижа йўқ. Сарсон-саргардонликдан зада бўлишди Фермерларимиз", деди Йўлбарсон ака. Бунинг устига "винзавод" бир кило узумни 20-25 сўмга олган. Сув текин дегани шу. Аслида сувнинг "қилоси" 300 сўм. Узум эса чикинди нархида. Боғбон фермер нодон эмас. "Хасасани" бир марта олдиради. Уларнинг кўпчилиги ўйлаб бошлади. "Винний узумни 20 сўмдан топширгандан қўра, Тошкентнинг бозорида қилоси 500 сўмдан сотиладиган, Москванинг бозорида кўзга суртиб, талашиб-тор-

қосаси қачон оқаради, деб кўп сўраймиз. Узумор оралиб елкасида 9000000 сўмни кўтариб келаятган боғбон-деҳқоннинг қосасини "оқарган" десак бўладими?! Менимча, бўлади. Бу - пешона тери! Бу - ҳалол меҳнат! Аммо Бўрон бобо билан сўхбатлашиб, баъзи мулоҳазалар ҳам фикримдан ўтди.

Нафс ҳеч қачон тўймайди. У ўз қосини тортгани сари очқўзлаша ва ваҳшийлаша боради. Бўрон бобода нафсдан кўра яхшилик ва эзгулик кўпдай. Лекин инсонда моддий бойлик чексиз бўяса-ю, ўзи маънавий кашшоқликда яшаса. Мен бундай хол-

БОҒНИНГ "КЎЗ" ЁШЛАРИ

тишиб олинадиган "Тойфи" навидан эвасак яхши эмасми?!". Бозор иқтисоди-да! Бозори чакқон узум-у меванинг мўл бўлгани яхши. Фермерлар совет даврида қандайдир топшириқ-у, қандайдир "план"лар асосида экилган "фойдаси йўқ навлардан" қутулиш йўллариини излашаяпти. "Тойфи" деган узум нави бор. Обрўйи жуда балад. Фермерлар "тойфи" деса, томдан ташлашади. "Каромати" шундаки, хар бовш узум - даста пул. Бўрон бобо Шойимов "Обод" фермер хўжалигининг эгаси. Бобонинг қадамида-ю қарашда шиддат. Сўзлари кескир ва дангал. Додо-додо гапирди. Фикрлари тиниқ. Одамлар тили билан айтганда, "Энг зўр фермер". Элининг гапига жон бор экан. Бўрон бобо ўтган йили узумдан 9000000 сўм даромад килди. Қишлоқ қандайдиган битта фермернинг шунча нақд пулини санаб олган пайтини кўз олдингизга келтиринг. Бобо умр бўйи боғининг ичиди. Узумдан тўймай юрган бўлса юргандир, бирок рўстакамга бири икки бўлмаган. Деҳқоннинг

дан кўркаман. Тарих бундай фожиаларга ҳадсиз гувоҳликлар беради. Бўрон бобо трактор олди. "Дамас" харид қилди. "Тико"ли бўлди. Экин-у боғлар учун анги электр энергия берувчи катта трансформатор ўрнатди. Минг раҳмат шу инсонга! "Қосаси оқариш" шунча бўлар-да. Бобонинг яна бир нияти бор, ўзига қулайлик учун қаналдан боғигача тўғри сув қувури ва насос қўймоқчи. Бобога кўп фермерларга ёқмай бошлаган, мени доимий безовта қиладиган саволни бердим:

"Узингиз учун ҳаммасини қилаяпти. Қийналган кишилар учун, мактаб болалари учун, қишлоқ йўллари ободончилиги учун, ночор бемор учун, маҳалладаги кексалар учун чин қўлингиздан чиқариб бирон нарса қилдингизми?"

Бўрон бобо менга сал галати тикилди ва деди: -Йўқ. Қилганим йўқ. Шунда ёнимизда турган бошқа фермер эслатди: -Большисага пул бермадингизми,

БИР МИСҚОЛ ОҒУ, БЕШ ЙИЛ ҚАМОҚ

(Боши 1-бетда) -Гийҳвандликка ўрганиб қолганимга уч йилча бўл қолди, - дея кўрсатма беради судла-нувий мажлис чоғида наводат ёшларини тиймай. - Панжақентдан Уругта келиб-кейтиб юрадиганлардан "опий" олиб, чоғга эри-тиб ичардим. Кейинги пайтларда ўзимни шу нарсадан торта бошлагандим. Лекин, тўғри келиб қолган пайтлари хозир ҳам чекиб тураман. Шу йил март ойининг бошларида панжа-кентлик бир бола олдимга келиб "Беш граммча кўнкор шираси бор, олмасизми?", деб қол-ди. Олиб қўйсам, зиён қилмайди, дедим-да ҳалиги бола билан савдолашиб сотиб олдим. Уйга келтириб ҳовлидаги ток остига кўмиб қўйдим.

2003 йилнинг 13 март кўни соат 11 ларда маҳаллаимиздаги чохинонада ўтиргандим. Бир пайт ок "Дамас"да нотаниш кишилар келиб, дўкнода савдо қилувчи қўшим Олим қа-қараётганини айтишди. Аввал хайрон бўлдим. Сўнг машинага ўтириб Олимнинг дўкони-га бордик. "Булар менинг танишларим бўлади, - деди Олим халигиларни кўрсатиб, - адаш-масам сизда бироз кўнкор шираси бор эди. Булар нақд пулини бериб олишади. Уйдан олганингиз". Уша пайтда пулга мўхтоб бўлиб турганим учун йўқ дедим.

Рост, А.Сандмуродов қаршисидаги "нақд" харидорларни кўрдан чиқаргиси келмади.

негадир ишга олавермадилар. Зўрга ишга жойлашган пайт. Аммо мошини уч ёки тўрт ойда олади. Олдинги қизқиши, интилиши йўқолган. У ўшидан, турмушдан қониқмади. "Туман қасалтонаси-нинг аҳолини қўрсанг... Хатто қа-салтоннада санитария-гиғиена қоидаларига риоя қилинмайди. Бино таъмирталаб, кишда совиб кетади, ёзда диққинафас, турли хашаротлар қўяди. Беморларга хатто тоза ичимлик суви тополма-ган пайтларимиз бўлади. Ҳовлида эса номига бир-иккита дарахтни учратасан. Энди туман марказида-ки қишлоқно-ку кўнвер-бошқа идо-раларни тасаввур қилавер. Бу ерда

имтиҳонлари тугаб, натижалар ин-тикли билан қўтиляётган пайт. Қабул комиссиясининг масъул қотиби Азимиддин Сироҳиди-новга мурожаат қиларкансиз, бу йил институтга қабул қандай бўлган-лиги билан қизқидик.

Тан олиш керак, институти-ми-га ҳужжат топширган абитуриентлар-сонини бошқа нуфузли олиғгоҳлар билан солиштирганда нисбатан оз-чиликни ташкил қилади. Ақсария-ти бир ўринга нари борса 3-4 даъ-воноқ бўлганиги учун кириб олиш осонроқ, деган ҳаёлда ҳужжат топ-ширадилар (айниқса, сув ва мелио-рация, фермер хўжалигини ташкил қилиш каби йўналишларда). Уму-

ХАБАР ҚАМКОРЛИК

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ)га аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашлигининг қарорига мувофиқ 2003 йил 4 сентябрда Қирғизистон Республикаси пойтахти Бишкек шаҳрида ШХТга аъзо давлатлар Бош прокуратура-ларининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Х.Қодиров бошчилигидаги делегация иштирок этди. Терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши кураш борасидаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш, уюшган транснационал жиноятчилик тўғрисидаги ишлар бўйича халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, ахборот алмасиш бўйича тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш механизмларини яратиш, шунингдек, кадрлар ўқувини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар кун тарти-бидан ўтди.

Мажлисда ички ва халқаро терроризм ўртасидаги чегаралар йўқолиб бораёт-ганилиги, халқаро терроризм-нинг диний экстремизм, мил-лият сепаратизми, уюшган жи-ноят, шу жумладан, қурол-ярроғлар билан ноқонуний савдо қилиш ва нарқомафия билан қўшилиб бораётганили-ги таъкидлаб ўтилди. Ушбу жиноий қўрунмалар транс-национал характерга эга бўлиб бормоқда ҳамда нафақат ало-ҳида давлатлар ва ҳудудлар-нинг, балки умумжаҳон ҳам-жамиятининг ҳавфсизлигига таҳдид солмоқда. Шу сабаб-дан ШХТга аъзо давлатлар прокуратура органларининг ҳамкорлиги халқаро терро-ризм ва транснационал жино-ятчиликнинг бошқа турлари-га қарши курашда жуда му-ҳим аҳамиятга эгадир.

Мажлис давомида Ўзбе-кистон делегацияси томони-дан бир қатор аниқ тақлиф-лар киритилди ва улар маъқ-улланиб, қабул қилинган ҳу-қуқий ҳужжатларда аэс эт-тирилди.

ШХТга аъзо давлатлар Бош прокурорлари мажли-сида иштирок этиш терро-ризм ва халқаро жиноятчи-ликка қарши курашда Ўзбе-кистон Республикаси проку-ратура органларининг халқ-аро ҳуқуқий ҳамкорлигини тараққий эттиришда муҳим босқич бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура-си Матбуот хизмати

Рустам ЖАББОРОВ



2001 йилдан буюн Гулистон шаҳрида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон - Буюк Британия "Сарбонтекс" қўшма корхонасида 8 турдаги тиббиёт ашёлари ишлаб чиқарилади. СУРАТДА: тўқши чеки ишчиси Лайло Мамбетова. Б.АКРАМОВ олган сурат.

КАДАРЁЛИК:

Компьютер технологияси бўйи-да таълим оляман. Бунга қизика-ман. Хозир шу соҳада иш топиш таш-вишданман. Уқишни тавомолағач, пойтахтда қолмоқчиман. Қишлоққа қайтиб борсам, севимли касбимда ишолмайман, ишсиз қоламанки, деб кўркаман. Яна... қишлоқ шаро-ити ўзингизга маълум, газ, сув йўқ. Кутубхона у ёқда турсин, хатто ту-зқроқ сартарошхона ҳам топилай-ди.

Шаҳарда қўзим, ўз ўрмининг топшишига кўзим етати, қишлоққа борсам, хатли компьютерлаштирил-маган мактаб болаларга деб бе-раман, холос. Қишлоқ шароитида

кадарёлик: -Компьютер технологияси бўйи-да таълим оляман. Бунга қизика-ман. Хозир шу соҳада иш топиш таш-вишданман. Уқишни тавомолағач, пойтахтда қолмоқчиман. Қишлоққа қайтиб борсам, севимли касбимда ишолмайман, ишсиз қоламанки, деб кўркаман. Яна... қишлоқ шаро-ити ўзингизга маълум, газ, сув йўқ. Кутубхона у ёқда турсин, хатто ту-зқроқ сартарошхона ҳам топилай-ди.

ҚИШЛОҚЧИЛИК

ўз соҳамда кучли кадр бўлиб эти-шолмаслигим мўкин. Қизиги, бу ёшларнинг барчаси қишлоққа қайтиб боришга ишсиз қолди кетиши ёки иш ҳақи тўло-вининг қамлиги, турмуш даражаси пастлиги тўқсинлик қилишини ай-тадилар. Шунда Ўзбекистон Мил-лий Университетида таҳсил ола-ётган жаззаклик Дилбар исмли киз шундай деб қолди:

-Хозирги кунда қишлоққа қайтиб бориб ўша ерда яшаб ишлаш биз-ёшлар учун чинакам фидоийлик. Кимга қанақа, билмадим-у, аммо фидоийлик баланларвоз сўзга айрилиб қоляпти. Чўнки ким ҳам қўра-била туриб ўзини қийинчилик-ларга улқотиради, ахир ҳамма ри-солладагидек турмушини хоҳлайди. Тўғри, пойтахтда ўқиётган ёш-ларнинг ҳаммаси ҳам шу ерда яшаб қолмоқчидилар. Лекин мен курс-дошларим, тенгдошларим фикрлар-идан англаймани, ҳар бири им-кон топилса, шаҳарда яшасам, дей-ди.

қандай ишлаш мўкин?" дея нолий-ди. Менга ҳам қишлоққа қайтма, деб маслаҳат беради. Маслаҳатга амал қилмоқчиман.

Республика Иқтимоий фикр мар-кази томонидан мамлакат миқёси-да 24 ёшгача бўлган ёшлар ўртаси-да қасб танлаш борасида мўноса-бат ўрганилганда, "баъзилар ўйла-ганидек, ёшларимиз моддий ман-фаатдорлик учунмас, балки кела-жақдаги мавқелини ўйлаб" қасб танлашлари маълум бўлди. Шунга қўра хозирда ёшларимизнинг би-ринчи ўринда банк тизими, иккин-чи ўринда давлат бошқаруви, учин-чи ўринда эса тиббиёт ва сўнг ҳуқуқшунослик соҳаларида ишлаш-га қизқишлари баланд экан. Та-ассуфки, қишлоқ хўжалиги соҳаси энг қуйи ўринда турибди. Савол туғилади: нега?

ман, қузатишларимдан шундай ҳу-лосага бораманки, сўнгги пайтлар-да ёшларимизнинг қишлоқ хўжали-ги соҳасига қизқишлари, инти-лишлари сўсайиб борапти. Чўнки тўрт ёки олти йил (магистратура билан) машаққат билан ўқиб инсти-тутни тамомлағач, "Қаерда ишла-йми?" деган саволга рўпара келяп-тилар. Қишлоқларда иш топилма-са, борида ҳам машо кам бўлса... Алам қиладигани, қишлоқ хўжали-гини ривожлантириш долзарб



Университетнинг "Амалиёт" бўлими бошлиғи Шавкат Аҳмедов

Нодир, Тошкент Давлат Техника Университети талабаси, қаш-

Хасан ТОШХЎЖАЕВ

“СУНБУЛАЖОН, СУНБУЛА...”

(Боши 1-бетда)

Дарҳақиқат, марказ бошлиғи айтганидек, ҳарорат кун сайин ўзгариб турибди. Бундан бир ҳафта олдин биз гидрометеорология маркази мутахассислари билан боғланганимизда улар сентябр ойнинг 8-кунигача ёнғинчилик бўлмағлини, ўндан кейинги кунлар об-ҳавоси эса янги башоратларга боғлиқ эканлигини айтишганди. Демак, 9-13 сентябр кунларида республикамизда кутулаётган об-ҳаво маълумоти билан танишинг.

9-13 сентябр кунлари мамлакатимизда об-ҳаво ўзгариб туради, 9-10 сентябр кунлари ҳаво очик бўлади. 11-13 сентябрда айрим жойларда вақти-вақти билан ёнғин ёғиб, момақалдирак бўлиши кутилмоқда. Мазкур кунлар мобайнида Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятларида ҳаво очик бўлади. Айрим туманларда 10-12 сентябр кунлари кичика мuddатли ёнғин ёғиши мумкин. Шамолнинг тезлиги секундида 7-12 метр тезликда, баъзи пайларда эса секундида 15-20 метрча тезлиги мумкин. Ҳаво ҳарорати кечаси 17-22 даража илк, 9-11 сентябр кунлари кундузи 30-35 даражага, 12-13 сентябр кунлари эса 27-32 даражага иссиқ атрофда бўлиши тахмин қилинмоқда.

Мамлакатимизнинг шимолги ҳудудларида эса ҳавонинг ҳарорати 9-11 сентябр кунлари кечаси 15-20 даража илк, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда. 12-13 сентябрда эса ҳавонинг ўртача ҳарорати кечаси 12-17 даража илк, кундузи эса 24-29 даража иссиқни ташкил қилади.

Ёнғин ана шу кунларда биринчи бўлиб Қорақалпоғистон ва Хоразмда ёғиб ўтиши кутилмоқда ва секин-аста бошқа вилоятларда ҳам ёнғинчилик бўлиши мумкин, - дейди Ф.Қосимова.

О.ШАВКАТОВ тайёрлади.

“ДУНЕ-М” ОЧИК АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИДА

2003 йил 15 августда бўлиб ўтган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида қабул қилинган қарор эълони

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сонли Фармонида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги № 189-сонли қарорига Жамият Устави мувофиқлаштирилсин.

II. Акционерлик жамияти тафтиш комиссияси янги тарихи бўйдоғига тасдиқлансин:

- 1. Махмудов Муҳиддин
2. Бердиёров Жамшид Панжиевич
3. Хўжаев Қувондиқ Темирович

III. Жамият тасвир ҳужжатларига зудлик билан ўзгаришлар киритилсин ва юқорида кўрсатилган Фармон ва қарорларга мувофиқлаштирилсин.

Кузатув кенгаши

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (ЎЗПИТИ)

2003 йил ҳисобига куйидаги ихтисосликлар бўйича АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Кундузги бўлимга:

- 1. Умумий дехқончилик
2. Мелиорация ва сугорма дехқончилиги
3. Ўсимликшунослик

АСПИРАНТУРАГА КИРУВЧИЛАР:

Институт бош директори номига ариза ҳамда куйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари зарур:

- шахсий варақа
-тархимавий ҳол
-иш жойидан тавсифнома
-чоп этилган илмий ишларнинг рўйхати ёки қираётган ихтисоси бўйича реферат
-диплом ва баҳолар дафтарчасида кўчирма
-мехнат дафтарчасида кўчирма

Кириш имтиҳонлари куйидаги фанлардан олинад:

Танланган ихтисоси бўйича, чет тили, Ўзбекистон тарихи, фалсафа.

Аспирантурага кириш учун ҳужжатлар 2003 йил 1 октябрга қабул қилинади.

Ҳужжатларни куйидаги манзилга юбориш ёки бевосита топшириш мумкин.

702133, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Окковок, ЎЗПИТИ аспирантура бўлими Телефон 64-22-13.

Table with 8 columns: No, Xuzda, Tarmoq va aktsionerlik jamiyati nomi, Nisom jamgarmasi (sum), Nominall (sum), Savdo qayilayotgan aksiyalar soni (dona), Nisom jamgarmasi siddiqi xissasi (%), Bir dona aksiyalar bahosi, AQSH dollarida, Boslangich taklif bahosi, AQSH dollarida. It lists various companies and their financial data.

Қўшича маълумотлар учун телефонлар: 133-38-69, 136-11-65, 132-07-32



ТИНЧЛИК УЧУН 87 МИЛЛИАРД

Якшанба кuni кечқурун АҚШ президенти Жорж Буш Америка халқига мурожаат билан чиқди, дея хабар беради Associated Press.

Унинг мазкур чиқиши Ироқ ҳамда Афғонистонда тинч ҳаётни бунёд этишга қаратилган бўлиб, Жорж Буш терроризмга қарши қўйилган қўриқилган курашни давом эттириш учун Конгрессдан 87 миллиард АҚШ доллари миқдорда маблағ сўрамоқчи эканлигини айтган. Шунингдек, у "Ироқни қайта тиклаш ишларида бошқа давлатлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшадилар, деб ишонман", дея таъкидлаган. Бушнинг эътирофи эитишча, яқин кунлар ичида Ироққа яна бир қўрилган тинчликпарвар кучлар дивизиеси киритилиши кўзда тутилган. Айтиб ўтиш керакки, айни кунларда бу ерда худди шундай иккита дивизия фаолият олиб бормоқда. "Бугунги кунда ҳавфсизликнинг энг кўп кўриниши бу - душман ўзининг гаразли режаларини тузаётган маконни қидириб топши ва яқсон этишди", дея ўз нутқини якунлаган АҚШ Президенти. Эслатиб ўтамиз, АҚШ Ироқ худудида шу кунга қадар жами 287 харбий хизматчисини йўқотган бўлса, шулардан 149 тасининг исми 1 майдан, яъни уруш тугаганидан сўнг қорқоридаги рўйхатга киритилган.

МОЗДОК ФОЖИАСИ БАСАЕВНИНГ ИШИМИ?

Чечен жангарилари бошлиғи Шамил Басаев Моздок госпиталида уюштирилган терактни ўз зиммасига олган.

Унинг айтишича, мазкур харбий шифона "Риядус-Солихийн" бригадасининг аъзолари томонидан портлатилган. Жорий йилнинг 1 август кuni госпитал худудига номаълум кимсалар томонидан олиб қилинган "КамАЗ" машинасининг орқа бортидаги портловчи ускунанинг ишга туширилиши натижасида шифонага катта талофат кўрган ҳамда 50 киши ҳалок бўлиб, 70 киши каттиқ тан жароҳати олганди. "Котил-камакда" томонидан амалга оширилган мазкур теракт шу кунга қадар уюштирилган жиноят актларининг мисли кўрилмагани бўлган эди.

ЯНГИ ТЕРАКТ УЮШТИРИЛМОҚЧИ

"Ал-Арабия" телеканали "Ал-Қоида" террористик ташкилоти аъзоларининг мурожаати Ўзбекистон янги аудиокассетани эшиттирди.

Узини мазкур ташкилотнинг бевосита вакили деб таништирган Абу Абд ал-Раҳмон ал-Наждининг мурожаатида таъкидланишича, ташкилот яқин кунлар ичида яна айрим мамлакатларда 11 сентябр фожиаларини-да орта қолдирадиган террористик актларни уюштириши режалаштирмоқда экан, Шунингдек, ал-Наждининг айтишича, 29 август кuni Ироқнинг Нажаф шаҳрида рўй берган портлашларга "Ал-Қоида"нинг муллока алоқаси йўқ. Единида бўлса, айнан ўша портлаш натижасида Ироқ шайларининг етакчиси Оятулло Мухаммад Бақир ал-Ҳақим ҳам ҳалок бўлганди. Вақилнинг сўзларига қараганда, биринчи рақамли террорчи Усама бин Ладин ҳамда "Толибон" ҳаракатининг етакчиси мулла Умар тириқдирлар. Улар айни кунларда Афғонистондаги Америка харбийлиқига қарши янги жиҳодни бошлашлари ҳам эҳтимолдан холи эмас экан.

ҲАЛОҚАТ САБАБЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Ўтган пайшанба кuni ҳалокатга учраган КА-32 вертолётни қолдиқларини излаш ҳамон давом этмоқда. Кутқарув гуруҳи матбуот хизмати берган маълумотларга қараганда, кулаб тушган машинанинг қолдиқлари Фишт тоғининг қуйи қисми бўйлаб океан сатҳидан юз метр чуқурликка сочиллиб кетган.

ИРОҚ МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Россия Президенти Владимир Путин ҳамда Франция Президенти Жак Ширак ўртасида бўлиб ўтган сими орқали суҳбат яна Ироқ масаласига бағишланди.

Президентлар ўзаро мулоқот чоғида БМТ Ҳавфсизлик Кенгаши томонидан Ироққа нисбатан қўрилган резолюцияларни қайта кўриб чиқиш кераклиги юзасидан бир хил фикрда эканлигини уқтиришди. Суҳбат давомида янги резолюциянинг лойиҳасини ишлаб чиқиш вақти аллақачон этиб келганлиги икки президент томонидан таъкидлаб ўтилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 9 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиши, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади: /

Table with 4 columns: Currency, Rate, Unit, Rate. Lists exchange rates for various currencies like Australian dollar, British pound, etc.

\*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олган.

1996 йил 8 июнда собиқ Ўзбекистон Урмон ҳўжалиғи вазирилик хўзурида Самарқанд Давлат оёчилик инспекцияси томонидан Назаров Султон Шарифуллоевич номига берилган ГТ-1 № 3047384 рақамли меҳнат дафтараси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиғи вазирилик тизимидаги республика меҳнат бўйича норматив-тадқиқот станцияси тугатилди. Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Тел: 90-40-07.

Қишлоқ ва сув хўжалиғи вазирилик тизимидаги Тошкент вилояти меҳнат бўйича норматив-тадқиқот станцияси тугатилди. Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Тел: 90-37-17.

1979 йили Ф.Энгельс номи Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтининг томонидан № 4570-кайд этиш рақами билан Чориев Ибрагим номига берилган Г-1-№317583 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.


Утернянский гос.ордер № 06-01/10409 от 18.03.93 г. права собственности Гордиенко Валентины Михайловны на квартиру, считать недействительным.

Утернянский гос.ордер № 10-02/1955 от 25.12.92 г. права собственности Якубовой Татьяны Евгеньевны на квартиру, считать недействительным.

бу борада шундай дейди:
-Университетимизда ўн бешта мутахассислик бўйича ҳар йили миңдан зиёд битирувчилар олий маълумотли дипломга эга бўлади. Уларнинг деярли олтимиш-етмиш фоизи вилоятлардан келган ёшлардир.
Очиги, вилоятлардан келган бу талабаларнинг қанчаси ўқишни битиргач, ўз қишлоғига қайтади ва қанчаси шаҳарда қолади, бу ҳусусда ҳеч нарса дея олмаيمиз. Сабаби, дилмон олгач, талабанинг тақдирини бизга номаълумлиқига қолади. Қишлоқга кетиб ишлайдими ёки шаҳарда қоладими, бу унинг хоҳиши. Қолаверса, бизга ҳисобот беришга ҳам мажбур эмас. Мухими,

лозимки, ёшларимиз имкон қадар поиттахда қолишга интиломқдалар. Шунинг учун бакалавр босқичини тамомлагач, магистратурда, сўнг аспирантурада ўқишга, мана шу жараёнда иш билан таъминлангач, ҳатто ўз соҳасига дахлдор бўлмасан да исталган ишни қилиб, ўз моддий таъминотини йўлга қўйишга жон-жаҳди билан киришган талабаларни кўп кузатишман.
Албатта, биз ҳам масалада кўл қовштириб ўтирганимиз йўқ. Жойларга, деярли ҳар бир вилоят, туман ҳокимлиқларига ҳар йили битирувчиларимиз ҳақида маълумотлар билан хат йўллаймиз. Бундан қўзланган мақсад, ҳар бир битирув-

кўчликни ташкил қилади. Айрим-айримнинг тўрт йил таълим олиши учун жойлардаги қороналар ёки бирор бир ташкилотлардан контракт тўлови ўтказилиб турилади. Ўқишни битиргач, бу талабалар истайдими-йўқми, ўша жойга бориб шартномада белгиланган вақтга ишлашга мажбур. Мана шу омил ҳам вилоятлардан келган талабаларнинг жойларга қайтишларига сабаб бўляпти. Аммо кейинги вақтларда бир ҳолатнинг гувоҳи бўляпмиз. Масалан, талаба контракт тўлови асосида ўқишни бошлади, унинг ҳисобига йирик бир ташкилот шартнома асосида (шартномада талаба ўқишни битиргач, ўша ерга бориб



Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

СОҒИНИМА ДИЛНИТМИ?

битирувчиларимиз ишсиз қолишмасан, бас. (Шавкат ака шошиб турганига ишора қилди-да, телефон гушагини кўтарди).
Бу жавобдан бироз қоникмай, тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун Тошкент Давлат Иқтисодий Университетига йил олдик. Университет проректори Гўлчехра Назарова қабулида бўлдик.

чимиз ўз вилоятига бориши ва ишсиз қолмаслигини таъминлашди. Афсуски, бу мурожаатларимизга ҳеч қандай жавоб бўлмади. Эҳтимол, ҳокимликларнинг бундай сукат саклашларига жойларда иш жойи танқислиги, қишлоқларда ишлаб чиқ-

дам олиш борасида қанолатланган ҳуқуқларини билмасликлари ва билса-да, талаб қилмасликлари-ёшларимизни чўчқитмоқда.
Қишлоқ инфратузилмасининг тўла шаклланишига ёшларимизда умидсиз, тушқун кайфият, шаҳарда ишлаб қолишга илҳий ўтмоқда.

Шунда ич-ичимдан қишлоғимга кераклигини, унинг фаровонлиғи учун хизмат қилишим зарурлигини ҳис қилганман. Бироқ атрофимга боқиб яна ўйлаб қоламан: қишлоққа қайтиб мен иш топа оламанми? Келажакда улкан орузларимни амалга ошириш ўрнига қишлоқнинг биргина мактабин таъмирлаш учун идорама-идора юриб вақт ўтказмайманми? Мухими, қишлоққа бир мен қайтганим билан, бошқа теңдошларим қайтишмасан... қишлоқ ҳаётини гўзаллаштириш учун ўзим ёлғизланиб қолмайманми? Салқин, кўркэм биноларда замонавий технологиялар билан ишлаб, бутун дунёни бир компьютер экранидан кўриб, таъжирба ва малака ошараётган пайтимда қишлоқдан нарига чиқмаган қишлоқдошларим билан қундалиқ турмуш муаммоларини ҳам еча олишга қурбим етармикми?



ришининг кенг қўламда йўлга қўйилмагани сабабидир. Буни тушунамиз. Бироқ баъзан одамга алам ҳам қилади, олий даргоҳимизни битирган талабалани қишлоқларга бориб фақат мактабда, омади чопгани эса коллежларда дарс беришати, ҳолос.
Яна бир жиҳат, контракт тўлови асосида ўқийтган талабаларимиз

тида талаба ҳам ўша жойга бориб ишлашга мажбур эмас...
Мақсадимиз ёшларимизнинг нима учун қишлоқларга қайтиб бормаятганликлари сабабини ўрганиш эди. Имкон қадар ўргандик ҳам. Улусо...
Қишлоқларда ишсизлик муаммо-

Энг муҳими, шаҳар шароитида кўнликма ҳосил қилиб улгурган ёшлар қишлоққа қайтиш, нисбатан оғир турмушда яшаш ҳамда меҳнат қилишни хохламайдилар. Бу ёшларда "Ўқиб қишлоғимга қайтаман. Қийналий яшаётган қишлоқдошларим турмушини яхшилашга курашаман. Қишлоқдаги муаммоларни бартараф этишга, қишлоқ ҳаётини ҳам шаҳар ҳаёти даражасига кўтараман" деган фидойилик, ватанпарварликнинг кичкина кўринишлари ҳам йўқлиги, тор доирадаги мақсадларнинг устуңлиғи қишлоқларда еш етуқ қадрларга эҳтиёжни оширатяпти.
Фикрларим шу ерга етганда нуқта қўймоқчи бўлдим. Бироқ ўйлаб қолдим: ўзим-чи, ўзим ҳам қишлоқнинг қизиман, нега қўлимга нуфузли магистрик дипломини олдим-у, шаҳарда ишлаб қолдим?
"Қишлоқ" сўзини эшитганимда, орақимиз, соғинч сезаман. Қуёш уфқдан бош кўтармай, онамининг ўчоққа ўт қалаб, янги соғилган сўт-ни қайнатиши, тандирдан янги

Фарида МАҲКАМОВА, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

ТАХРИРИЯТДАН: хўш, муҳтарам газетком, Сиз бу ҳақда нима дейсиз? Мақтубларингизни кутамиз!

